

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2025 йил март ойининг 5 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Ф.Абдураимов

ҳайъат судьялари: А.Исаков ва Н.Зайнабидиновдан иборат таркибда, А.Шермехмедовнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Иминов ва ҳимоячи Ж.Рахимовнинг иштирокида, XXXXXXXXXXXXга оид жиноят ишини ҳимоячининг тафтиш тартибидаги шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг 2024 йил 23 сентябрдаги ҳукмига кўра:

1989 йил 1 август куни Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишламаган, XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXX яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Судланган XXXXXXXXXXXXдан “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Андижон ҳудудий филиали фойдасига 124.976.073 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 14 ноябрдаги ажримига кўра, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, XXXXXXXXXXXX Андижон шаҳар, Навбахор МФЙ, 3-тор Машҳур кўчаси, 3-уйида 3 хил турдаги майнинг қурилмалари орқали қонунга хилоф равишда аноним крипто активлар соҳасидаги майнинг фаолияти билан яширин равишда шуғулланиб, электр тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан электр энергияни ҳисобга олиш ускунасини четлаган ҳолда тўғридан-тўғри улаиб, 2023 йил 22 июлдан 2023 йил



23 декабрга қадар Андижон шаҳар электр тармоқлари корхонасининг кўп миқдордаги 134.976.073 сўмга тенг электр энергиясини ўғирлик йўли билан талон-торож қилган.

Химоячи Ж.Рахимовнинг тафтиш тартибидаги шикоятда, иш бўйича моддий зарар тўлиқ қопланганлигини кўрсатиб, XXXXXXXXXXXXXга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Тафтиш инстанцияси, иш бўйича вилоят суди раиси ўринбосари Ф.Абдураимовнинг маърузасини, прокурор М.Иминовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, химоячи Ж.Рахимовнинг тафтиш тартибидаги шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини ўзгартиришни лозим топди.

Суд қарорларида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган XXXXXXXXXXXXXнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини химоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг ўғрилик жиноятини содир этганлиги: ўзининг айбига қисман иқrorлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, фуқаровий даъвогар вакили Р.Тойчиев, гувоҳлар М.Хамрақулов, А.Раҳмонжонов, Э.Музропов, И.Бўрибоевнинг кўрсатувлари, электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақидаги далолатнома ва мазкур далолатнома бўйича ҳайъат комиссиясининг ҳисоб-китоби, мутахассис хулосаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённомалар, суд-компьютер-техник экспертизасининг хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши лозим экани ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 491-моддасида, тафтиш инстанцияси иш бўйича етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда ҳукми ўзгартиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси XXXXXXXXXXXXXга оид суд қарорларини ўзгартириб, унинг айбига қисман иқror бўлса-да, пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги, етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қоплангани муносабати



билан унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 491, 515, 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига асосланиб, тафтиш инстанцияси

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг 2024 йил 23 сентябрдаги ҳукми ҳамда Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 14 ноябрдаги ажрими ўзгартирилсин.

XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, XXXXXXXXXXXXнинг 2024 йил 26 июндан 2025 йил 5 мартга қадар қамоқда сақланган 8 ой 12 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан 2 йил 1 ой 2 кун ўталган деб ҳисоблаб, чегириб ташлансин ва ўташ учун 10 ой 28 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва жазони ижро этиш колониясидан қамоқдан озод қилинсин.

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Андижон худудий филиалига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Судлар департаменти депозит ҳисоб - рақамида сақланаётган 124.976.100 сўм пулларни “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Андижон худудий филиали ҳисоб-рақамига йўналтирилсин.

Тафтиш тартибидаги шикоят қаноатлантирилсин.

Тафтиш инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи: имзо Ф.Абдураимов

Ҳайъат судьялари: имзо А.Исаков

имзо Н.Зайнабидинов

нусхаси аслига тўғри:  
Раис ўринбосари

Ф.Абдураимов



Хужжат имзоланган: Абдураимов Фаррух Сойибжонович, 08.03.2025

